Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 29-sentabr. Payshanba • 117 (31.393) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон матбуоти намойиши

### «Ўзэкспомарказ»да 28 сентябрь куни «Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўргазмаси очилди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, «Еркин Қарақалпақистан» — «Вести Каракалпакстана» газеталари бош муҳаррири Кенисбай Рейимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бу йўналишда иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Айни пайтда ахборот алмашинувини изчил йўлга қўйиш, интернет журналистикасини жадал ривожлантириш, аҳолининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 2 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар ошди. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг етти тилида фаолият олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

«Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўргазмаси Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 14 январда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан кенгроқ таништириш ҳамда медиамаконда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган юзга яқин босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Форумда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўллари, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш (Ўзбекистон мисолида) ҳамда юртимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.




Тадбир доирасида маҳаллий фото-банк тақдимоти бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимиз медиа бозорини сифатли фотоматериаллар билан таъминлаш, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, шунингдек, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти ва урф-одатларини акс эттирган фотоматериаллар етказиб беришдан иборат.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

**Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунасидир.**

**Ислом КАРИМОВ**



## Маърифатли миллат муаллимлари

Шундай касб эгалари борки, уларни офтобга қиёслашади. Улар таратган илму маърифат, маънавият зиёси бутун оламни нурафшон этади. Эзгулик, донишмандлик, даҳолик деб аталмиш улуғ инсоний хислатлар улар туфайли мангу. Дунё бир боғ бўлса, улар боғбон, агар карвон бўлса, улар сарбон. Улар энг шарафли касб эгалари — ўқитувчилар, мураббийлар, ҳар биримизнинг қалбимиз тўридан жой олган устозлар, маърифатли миллат муаллимлари!

Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Баҳром Қурбонов ёшларга таълим-тарбия беришдек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган, буни ўзи учун муқаддас бурч деб билган жонкуяр устоз, ўз касбининг чинакам фидойиси. У оғир ва машаққатли, шу билан бирга, масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб, шу пайтгача юзлаб шогирдлар тайёрлади, кўплаб истеъдодли санъат усталарини камолга етказди. Қадрдон лицейи эса шу йўналишдаги дунёнинг энг етакчи таълим даргоҳларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар нуфузли халқаро мусиқа танлов ва фестивалларда ғолибликка асосий даъвогарлар сафидан жой олди.

Аслида, Баҳром Қурбонов бутун умрини шу эъзозли касбга бахш этган ота-онасининг хайрли ишини давом эттирмоқда. У кишининг отаси, фалсафа фанлари доктори Тўхта Қурбонов кўп йиллар мобайнида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида меҳнат қилди. Онаси Гулчеҳра Умарова эса мактабда ўқувчиларга психология-педагогика фанларидан дарс берган. Ёш Баҳромнинг мусиқага бўлган иштиёқини пайқаган ота-она уни пойтахтимиздаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг скрипка бўлимига ўқишга берди.

*(Давоми 4-бетда.)*

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими

## Юксалиш сари одимлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган сиёсий семинар бўлиб ўтди. «Йигирма йиллик мустақил тараққиёт: сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ЎзХДП имкониятлари ва истиқболдаги вазифалари» мавзуидаги бу сиёсий семинарда Олий Мажлис депутатлари, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли, айниқса, партиямиз электоратининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ХДП ташкилотларининг бошқа фуқаролик институтлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масаласига тўхталиб ўтилди.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева бугунги кунда партиямиз олдида турган асосий ишлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг ўрни ва вазифаси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Озод юртнинг обод уйлари

## Тоқчиликда янги уй-жойлар

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган 22 та уй эгаларига топширилди.



Янги уйлар ҳудуд иқлим шароитига мослиги, замонавий шарт-шароитга эгалиги, миллий урф-одатлар ва турмуш тарзи талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган. Қишлоқ аҳолиси учун янада қулайликлар яратиш мақсадида болалар ўйин майдончаси, волейбол, баскетбол ва минифутбол майдончалари ҳамда қатор инфратузилма объектлари ҳам қад ростлади.

***Суратда:*** *Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги намунавий уй-жойлар.*

**Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Эътироф

**Ўзбекистон — Оллоҳ назари тушган юрт. Мамлакатингизда мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Тошкент бутунлай ўзгариб, замонавий қиёфа касб этибди. Буни Мустақиллик майдони мисолида яққол кўриш мумкин. Истиқлолингиз рамзи бўлмиш бу муаззам майдон пойтахтингиздаги энг гавжум ва серфайз масканлардан бири. Мустақиллик ва эзгулик монументида ўзбек халқининг эзгу ниятлари ўз ифодасини топган. Ўзбекистонга бир келган киши бу ерга яна келсам, дейди».**

**Моҳам Ашраф ҲАФИЗ,**
***(Малайзия).***

## Спорт

### Муайтайчиларимиз ғалабалари

20 – 27 сентябрь кунлари пойтахтимизда муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионати зўр ўюшқоқлик билан ўтказилди.



Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан 800 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун рингга чиқди. «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилган ушбу жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз қайд этган натижалар алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Жумладан, ёшлар ўртасидаги баҳсларда иқтидорли муайтайчиларимиздан — Фирдавс Ҳошимов, Асқаржон Яллаев, Илҳом Сотиволдиев, Жасур Мирзамуҳаммедов, Жаҳонгир Йўлдошев, Темур Ҳамроев, Алижон Исроилов, Ислом Маърупов, Муҳаммад Нусратов, Шоҳруҳ Бахтиёров, Беҳзод Эркинов, Илҳом Рустамов, Ғулом Ҳалимов чемпионатнинг олтин медалларига сазовор бўлди. Беҳзод Жиянов, Элдор Багиров, Наим Тўхтабоев, Баҳром Ваҳобов, Самандар Турсунохунов, Саидаҳмад Орипов кумуш, Равшан Қаҳҳоров, Бобур Жўраев, Санжар Юсупов, Фирдавс Маннонов, Икром Абдухалилов, Султон Шаркаев ва Дилшод Ҳусниддинов каби спортчиларимиз бронза медаль билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатининг энг кескин ва муросасиз беллашувлари катталар ўртасидаги «А» гуруҳида кузатилди. Дунёнинг энг кучли муайтай усталари қатнашган мазкур гуруҳдаги беллашувларда ҳамюртимиз Фирдавсий Холмуродов кўксини жаҳон чемпионатининг олтин медали безади. Шунингдек, терма жамоамиз аъзоларидан Жобир Тошпўлатов ва Анвар Холхўжаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, тажрибали муайтайчиларимиз Мавлонбек Қаҳҳоров ва Абдулла Худойбердиев бронза медаль билан кифояланди.

**Эркин ХОЛБОБО**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!
Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Вояга етмаганлар қонун ҳимоясида



**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

2010 йил 29 сентябрда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган эди. Ўтган бир йил давомида мазкур қонун қандай самара берди? Жойларда унинг ижроси қандай таъминланмоқда?

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқилди ва муҳокама этилди.

Аввало эътироф этиш керакки, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Вилоятда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тарғиб қилиш юзасидан 2010-2011 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Тегишли комиссия аъзолари, ташкилотлар, туман ва шаҳар комиссиялари унинг ижросини назорат қилади.

Дастурда қонунни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулиятини ошириш кўзда тутилган, шунингдек, барча комиссия аъзолари ва раҳбарларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари ва таълим муассасаларида, Ширин шаҳри, Ховос ва Гулистон тумани маҳаллаларида махсус тадбирлар ўтказилган ва мазкур қонун кенг тарғиб этилган.

Шунингдек, вилоятда касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ҳам чора-тадбирлар дастури қабул қилинган ва унинг ижроси тизимли ташкил этилган.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш юзасидан тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ҳар бир маҳалладаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан мактабга мунтазам қатнамаган, назоратсиз қолиб, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан доимий равишда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Вилоят прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан «Ўқувчи рейди», «Давомат», «Ўсмир» ҳамда «Ғамхўрлик-2011» профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ўтказиш изчил йўлга қўйилган. Унда вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этадиган ота-оналар билан профилактик ишларни янада кучайтириш, вояга етмаганларни ўқишга ва ишга жойлаштириш каби кўпгина ҳаётий масалалар ўз ечимини топмоқда.

Вилоятдаги мавжуд 303 та умумтаълим мактабида, 48 та касб-ҳунар коллежида, 4 та академик лицей ва Гулистон давлат университетида таҳсил олаётган ўсмир ва ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари ҳақида суҳбатлар ўтказилиб, видеофильмлар намойиш этилмоқда. «Биз жиноятчиликка қаршимиз» рукнида ва шу каби мавзуларда изчил тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Бунинг самараси ўлароқ вилоятда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик олдинги йилга нисбатан бирмунча камайган.

Қаровсиз, назоратсиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлганлардан 2010 йилда 191 нафар, жорий йилнинг 7 ойи давомида 61 нафар вояга етмаганлар Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»га жойлаштирилган.

Бундай мисолларнинг ҳар бири бизни безовта қилиши табиий. Чунки бу рақамларнинг ортида инсон тақдири ётибди.

Бугун турли сабаблар билан тўғри йўлдан адашган, назоратсиз қолган, эътиборга, меҳрга муҳтож ўсмирларга бефарқ қаралса, улар тақдири эртага нима бўлади? Бугунги эътиборсизлик эртага жамиятга қимматга тушмайдими?..

**Демак, мазкур қонунни янада кенг тарғиб қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишга, қонунга сўзсиз риоя қилиш маданиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.**

Қайси сиёсий партия вакили, қайси касб эгаси эканимиздан қатъи назар, болалар ва ўсмирлар, ёшлар тарбияси учун ҳар биримиз масъулмиз. Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг порлоқ юлдузларидир. Ана шу юлдузларнинг ёрқин нур сочиши учун уларни бугундан бошлаб камолот чўққиси сари етаклашимиз, уларга яхши таълим-тарбия беришимиз, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишимиз лозим.

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

**Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, партия хайрихоҳлари билан ҳамкорлик ва ёшлардан иборат етакчи кадрлар захирасини шакллантириш — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, қуйи бўғин аҳоли орасида иш юритади, кимнинг қўлидан қандай иш келишини яхши билади. Унинг раҳбари ташкилотчи бўлса, партия ғояларини кенг тарғиб қилиш баробарида мақсад ва дастурлар ижросини таъминлаш учун астойдил жон куйдиради.**

# Фаолият мезони

## *фаоллик ва ташаббускорликдан иборат бўлиши керак*

Бугун Бухоро шаҳар партия кенгашида 88 та қуйи бўғин мавжуд. Улар ташаббускорликни ўз фаолиятининг бош мезонига айлантирган. Айниқса, Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонасидаги бошланғич партия ташкилоти кўп жиҳатлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқда.

— Қуйи бўғин партия дастурий ғояларини амалга оширишда асосий таянч ҳисобланади, — дейди **Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Казимова.** — Шунинг учун уни кучайтириш, интилувчан ва фаол етакчилар билан таъминлаш ишимизга қувват беради, фаолиятимиз самарасини оширади. Вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти электорат манфаатини кўзлаб, қатор ташаббус ва таклифлар билан чиқмоқда. Репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган кўпгина тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказдики, бунинг ҳеч бири изсиз кетмади. Уларда партия фаоллари мунтазам иштирок этиб, ўз таклифларини билдиришди ва уни амалга ошириш учун изчил ҳаракат қилишмоқда.

Шунингдек, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар тарғиботи, уларнинг ижроси бўйича мониторинг олиб бориш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳаётга кенг татбиқ қилишда жонбозлик кўрсатмоқда.

— Шифохонамиз 270 ўринга мўлжалланган, — дейди **бош шифокор Умид Исмоилов.** — Бу ерда нафақат болалар, балки катталар ҳам даволанади. Аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, соғлиғини тиклаш учун барча имконият, шарт-шароит яратилган. 500 нафарга яқин тиббиёт ходими беморлар хизматида. Биз ходимлар ўртасида сиёсий мавзуларда тадбирлар ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият бераяпмиз. Белгиланган режа бўйича депутатлар, партиямиз фаоллари билан учрашувлар олиб бораяпмиз.

— Муассаса ходимларининг 150 нафардан ортиғи ЎзХДП аъзоси, — дейди **бошланғич партия ташкилоти етакчиси Марзия Турсунова.** — Улар вилоят ва шаҳар партия кенгашлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда доимий иштирок этади. Шунингдек, партиямизнинг ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўмак беришдаги саъй-ҳаракатларида бошланғич партия ташкилотимиз муносиб қатнашади. Бу ўз навбатида хайрихоҳларимиз сафи кўпайишига хизмат қилаяпти.

— Бир неча йилдан бери шу ерда меҳнат қиламан, — дейди **ҳамшира Дилрабо Аллаёрова.** — ЎзХДП ташаббуси билан ўтказилган тадбирларда доим иштирок этаман. Мақсад ва ғоялари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган амалий ҳаракатлари маъқул келиб, шу партияга аъзо бўлганман. Шундай бўлгач, партия аъзоси сифатида унинг ғоя ва мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этишим лозим, албатта. Муҳими, бундан одамларга наф етади...

**Лазиза ШЕРОВА**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими

# Юксалиш сари одимлар

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Тадбирда «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Иштирокчилар фильмдаги воқеа-ҳодисалар талқинидан келиб чиқиб, аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликнинг ҳар лаҳзасини кўз қорачиғи каби асраб-авайлаш, бунинг учун фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш долзарб масала эканини қайд этдилар.

— Ушбу кадрларда намойиш этилаётган воқеалар, — дейди **Самарқанд вилояти рус маданият маркази раиси Юрий Огнев.** — Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўли — бу демократик давлат барпо этаётган халқимизнинг орзу-умидлари, матонат ва жасорат йўлидир. Ёшларимиз бундай шонли тарихимизни билиши шарт. Энг асосийси, ўзбек халқининг бағрикенглиги, қолаверса, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ миллатлараро тотувлик масаласига жиддий ва алоҳида эътибор қаратилгани боис, бугун мана шундай катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини ҳар бир фуқаро яхши англаши лозим.

— Мен каби истиқлол тенгдоши бўлган ёшларимиз учун бу фильм катта ибрат мактабидир, — дейди **ёш авлод вакили бўлган Жаббор Ҳамзиддинов.** — Бундай сиёсий ўқувлар орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, мустақилликни янада мустаҳкамлаш жараёнида бор куч-ғайратини аямай меҳнат қилиш фазилати шаклланади, мамлакат ва миллат тақдирига бефарқ бўлмасликка ўрганади.



Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги амалий ишларини янада кучайтириш масаласига алоҳида урғу берилди. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ЎзХДП имкониятлари ва мамлакат ҳаётидаги иштироки масаласи атрофлича таҳлил этилди.

— Бугунги кунга келиб, сиёсий партияларга етарлича имконият ва қулай шарт-шароит яратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова.** — Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ қилинишида сиёсий партияларга катта ваколатлар берилди ва айни чоғда улар зиммасига улкан вазифалар юкланди. Бу устувор масалаларни ҳал этиш учун фаолиятимизни янада жонлантиришимиз, хусусан, парламент, депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйишда ташаббус кўрсатишимиз лозим.

— Ўтказилган сиёсий ўқув-семинардан ўзимизга керакли хулоса чиқардик, — дейди **Самарқанд молия коллежи директори, вилоят Кенгаши депутати Валиқул Бердиқулов.** — Дарҳақиқат, жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш депутатлик гуруҳларидан ташаббускорлик ва қатъият талаб қилади.

Сиёсий семинар янги замонавий сиёсий технологияларга катта қизиқиш уйғотди. Семинар бўйича ўтказилган саволнома ва ижтимоий сўров шундан далолат беради.

**Муборак ЁҚУБОВА,**
**ЎзХДП МК масъул ходими.**

Мурувват

# Томчидаги ҳаёт

## *ёки меҳр мавжлари*

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Ғузор туман бўлими кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда бу ташкилот Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилган танловда қатнашиб, «Томчидаги ҳаёт» номли лойиҳани амалга ошириш учун давлат грантини қўлга киритди.

...Бу воқеага анча бўлди. Исмоил Баратов кутилмаганда оғир дардга чалинди. Шифокорлар иллат умуртқа поғонасида эканлиги, жарроҳлик амалиёти зарурлиги, бунинг учун Тошкентга бориш кераклигини айтишди. Исмоил ногиронлар жамиятига мурожаат қилди.

— Оғир хасталикка чалинган Исмоил акани Тошкентдаги шифохонага махсус машинада олиб бориш керак эди, — дейди **Республика ногиронлар жамияти Ғузор туман бўлими бошлиғи Абдурашид Муҳиддинов.** — Биз Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилдик. Аҳволни тушунтирдик. Бемор махсус машинада, шифокор кузатувида Тошкентга етказилди. Жарроҳлик амалиёти яхши ўтди. Беморга ногиронлик аравачаси ҳам олиб бердик...

— Ҳозир ёшим ўттиз бирда. Болалигимда шол бўлиб қолдим. Узоқ даволаниб тузалдим. Аммо ўнг оёғимни асраб қолишнинг иложи бўлмади. Абдурашид ака ёрдамида Тошкентдаги протез тайёрлайдиган Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида оёғимга мос протез ясаб беришди, — дейди **Ҳумдон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бўстон қишлоғида яшаётган иккинчи гуруҳ ногирони Шуҳрат Бўронов.** — Туманимиздан яна 8 кишига шу корхонада бепул протез ясаб беришди. Ҳозир уйланганман, бир ўғил, бир қизимиз бор. Ўзим эркин юраман, озми-кўпми рўзғор, томорқа ишларини бажараман. Ногиронларга мурувват кўрсатаётган барча инсонларга раҳмат айтаман.

Ғузор шаҳрининг марказидаги оддийгина иморат. Бу бинода ногиронлар жамияти жойлашган. Ташвишларини айтиб, ёрдам сўраб келадиганларга Абдурашид Муҳиддинов бошчилигида ғамхўрлик кўрсатилади. Ногиронларни даволаш, уларга иқтисодий ва маънавий кўмак кўрсатиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Айрим мисолларга эътибор қаратайлик. Мустақиллик байрами арафасида 10 нафар ногиронга илгари ишлаган жойларидан 200 минг сўмдан кўмак уюштирилди. 30 нафарига эса санаторийларда даволаниш учун йўлланма берилди.

Тумандаги айрим қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш масаласи кўпчиликни ўйлантириб келаётганди. Бу муаммо ечими бўйича жамият жамоаси алоҳида лойиҳа тайёрлади, ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди, мутахассислар хулосаси олинди. Республика Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди танловида «Томчидаги ҳаёт» лойиҳаси юқори баҳоланди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун эса 15 миллион сўм давлат гранти ажратилди.

Бу маблағ ҳисобига «Меҳнатобод», «Зангитепа» каби маҳаллаларнинг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

— Туманимизда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди **ЎзХДП фаоли, меҳнат фахрийси Турсоат Ражабов.** — Абдурашид Муҳиддинов ташаббуси билан тайёрланган «Томчидаги ҳаёт» лойиҳасига давлат гранти ажратилгани ҳам одамларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир мисоли деб ўйлайман.

Ҳа, томчида ҳаёт акс этганидек, бу эзгу ишларда одамларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриш мумкин.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ҳудудий ташкилотларида

# Маҳалла билан ҳамкорлик

## *аҳоли манфаатига хизмат қилади*

**Сиёсий партия ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, электоратни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ижобий самара беради. Шу боис, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳудудий ташкилотлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.**

— Тумандаги 64 та бошланғич партия ташкилотига 2500 нафар ЎзХДП аъзоси бирлашган, — дейди Бектемир туман партия кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашева. — Улар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ёшларни иш билан таъминлаш, касаначилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиш истагида бўлган кўплаб электорат вакилларини қўллаб-қувватлашда кўмак бермоқда. Бунда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган меҳнат ярмаркалари яхши самара бераяпти. «Истиқбол» ва «Нурафшон» маҳаллаларида касаначилик, ҳунармандчилик кенг ривожланган. Бу, ўз навбатида, кўплаб хотин-қизлар ва ёшларнинг иш билан таъминланишига йўл очди. Энди уларнинг тажрибасини оммалаштириш юзасидан ҳам иш олиб бораяпмиз.

Биз маҳаллалардаги бир гуруҳ хотин-қизларнинг иш жараёни билан танишдик. Улар тайёрлаётган буюмларни кўриб кўзингиз қувонади. Яратган либослари бир-биридан бежирим.

— Кўп йиллардан бери тикувчилик билан шуғулланаман, — дейди ЎзХДП аъзоси Матлуба Турсунова. — Тайёрлаган либосларимни қизлар, келинлар эгнида кўрсам, қувонаман. Касбим орқали оиламга озми-кўпми нафим тегаяпти. Келажакда тикувчилик корхонаси очиб, фаолиятимни кенгайтирмоқчиман, уйда ўтирган қиз-жувонларни ишга тортмоқчиман.

Қуюв механика заводидаги бошланғич ташкилот партия ғояларини амалга оширишда турли ташаббус ва таклифларни илгари суради, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол қатнашади. Яқинда мазкур партия ташкилоти вакиллари маҳаллалардаги бир гуруҳ ногиронларга моддий кўмак ташкил этишди. Партиядошларимиз ёлғиз қария ва кам таъминланган оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади.

Шундай фаол қуйи бўғиндан яна бири «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида иш олиб боради.

— Маҳаллада 543 та хонадон бор, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кўлвой Ҳамроев. — Маҳалламизда касаначилик, ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган. Аҳоли бандлиги, ёшлар тарбиясида ҳам ЎзХДП бошланғич ташкилоти аъзолари фаол қатнашмоқда.

— Кимдир сенга елкадош бўлса, ўзингни ёлғиз ҳис этмас экансан, — дейди ЎзХДП аъзоси Равшан Ғозиев. — Мен икки ой ишсиз юрдим. Шунда бир маҳалладошим ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида айтиб қолди. Мен унга мурожаат қилдим ва партия




фаоллари тумандаги шифер заводига ишга жойлашишда ёрдам беришди. Шу билан оёққа туриб олдим.

— Бошланғич ташкилотга 108 нафар аъзо бирлашган, уларнинг кўпчилиги ёшлар, — дейди маҳалла қошидаги бошланғич ташкилот етакчиси Раҳимжон Исобоев. — Жамоатчилик қабулхонасига кишилар турли масала бўйича мурожаат қилади. Маҳаллада 49 нафар ногирон, 30 та кам таъминланган ва 25 нафар пенсионер бор, уларга мунтазам кўмак берилади. Яқинда Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этган 69 нафар йигит-қиз тикув цехи ва Қуюв механика заводига ишга жойлаштирилди. Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганишда бошланғич ташкилотнинг ўрни катта. Айнан қуйи бўғинга суяниб иш юритилса, ҳаёт ичига чуқурроқ кириб борилса, одамларни ташвишлантираётган масалалар кўпроқ ўрганилади, муаммолар тезроқ ўз ечимини топади.

**Миржамол ҲОТАМОВ**

Биз билган, билмаган ҳақиқат

# Иқтисодиётимизнинг маънавий илдизлари

*Киши маънавий, ботиний ўнгланмасдан туриб, у сиёсий, иқтисодий ўнгланмайди...*

**Ислом КАРИМОВ**



**Яқинда «Россия-24» информацион канали «Иқтисодиёт» таҳлилида шарҳловчи Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистон аксарият кўрсаткичлар бўйича пешқадам эканини айтиб, бунинг пойдевори собиқ иттифоқ даврида қўйилган, деган фикрга урғу берди. Бу менга оғир ботди. Чунки асл ҳақиқат ундай эмас. Собиқ иттифоқ инқирозга юз тутган, иқтисодий алоқалар узилган ўша оғир ва машаққатли тўқсонинчи йиллар ҳали унутилгани йўқ.**

Ёдимда, Валерий Вижутович Ўзбекистонни «Узиб қўйилган вагон»га ўхшатган, у муқаррар ҳалокатга учрайди, деган. *(«Отцепной вагон», «Известия» газетаси, 1991 йил 14 сентябрь).* Чиндан ҳам, ўша вақтда Вижутович айтганидек, *«аҳоли жон бошига йилига саккиз килограмм гўшт тўғри келган»*. Нимага десангиз, республика иттифоқнинг хомашё манбаига айлантирилган, халқ хўжалиги боши берк кўчага кириб қолган. Саноат ва халқ истеъмоли молларининг кўпчилик қисми четдан олиб келинган. Мана шундай вазиятда иттифоқ хўжалиги ялпи барбод бўлиб, ўзаро алоқалар узилди ва пул тизими яроқсиз ҳолга келди, шу тариқа ишлаб чиқариш ҳалокатга юз тутди. Пештахталар ҳувиллаб қолган ўша таҳликали, остин-устин даврни кўпчилик ҳамон унутган эмас...

Ҳолбуки, ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаб, уни тўйинтира олмаган давлат ўзини мустақил деб ҳисоблай олмайди.

**«Биринчи қадамни халқ қадриятларини тиклаш, одамлар тафаккуридаги қуллик кишанини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустаҳкамлашдан бошладик», — дейди Президент Ислом Каримов 1991 йил 20 ноябрда, Олий Кенгаш сессиясида. Кейин нақд 350 минг гектар ҳосилдор ер аҳолига томорқа қилиб берилганини, 9 миллион инсон кўпдан буён орзу қилган ниятига эришгани, ер беришдан кўзланган асосий мақсадни айтади: — «Одамлар уй-жой солишсин, ноз-неъмат етиштирсин, даромад қилсин, бой бўлсин, ўшанда давлат бой бўлади...»**

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бугунги тараққиёт замирида мана шу эзгу тилак, мана шу сиёсат мужассам эканига иқрор бўламиз.

Халқимиз азал-азалдан тинчлик, яратувчилик ва ҳамкорликни қадрлаган. Она Ватан ва унга муҳаббатни, эл-юрт ҳимояси йўлидаги жасоратни, оила мўътабарлиги, севги ва садоқатни, меҳр-оқибатни минг йиллар давомида ўз оғзаки ижодида улуғлаб келган. Ўлмас амалий санъати билан ноёб ҳунармандчилик намуналари ва мумтоз меъморий обидалар яратган. Давлатимиз раҳбари буни теран англаган ҳолда, кишиларимиз қонида яшаб келаётган мана шу хислатга уйғоқлик бағишлаш, халқнинг яратувчилик даҳосини юзага чиқариш учун астойдил интилди. Шу боис одамлар асрий орзу-ҳаваслари рўёбини унинг шахси билан боғлади ва у кишини қўллаб-қувватлаб, илгари сурган эзгу мақсадларини амалга оширди.

Қаранг, халқ амалий санъати қандай равнақ топди. Косиблик, касаначилик, ҳунармандлик-чи? Бугун улар ўз маҳсулотлари билан турмушимизни безаб, ҳаётимизнинг қайноқ жабҳаларига айланди. Халқимиз амалий санъати билан чет элликларни ҳайратга солмоқда...

Бугун, орадан йигирма йил ўтиб, сарғайган газеталарни варақласангиз, кечмиш хотираларни қўзғаб юборувчи таъсирли жумлаларга кўзингиз тушади. *«Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, чорва молларни кўпайтириш зарур,* — дейди Президент Олий Кенгашнинг ўша сессиясида. — *Ҳозир бутун диққат-эътиборни қишда ёпирилиши мумкин бўлган очарчиликнинг олдини олишга қаратганмиз...»*

Ўша йили: «Нон тортилар эмиш!» — деган шов-шув кўтарилгани, иғвогарлар ваҳима қўзғагани, пештахталар бўшаб қолгани ёдимда. Собиқ иттифоқдан бизга шу мерос қолган, холос. Яна бунинг устига, ғанимларимиз танлаган йўлимиздан қайтариш, миллатлараро низо чиқариш учун тинимсиз қутқу солган, бу ёқда эса, ислом дини байроғи остида террорчилар қўпорувчилик содир этган...

*«Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодиёт эмас, балки маънавий тангликдир,* — дейди давлатимиз раҳбари. — *Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади».* («Известия» газетаси, 1991 йил 23 январь).

Шундан келиб чиқиб, тараққиёт тамойиллари жамият руҳиятига уйғун ҳолда олиб борилди. Нимага десангиз, одамзод қайси жамиятда яшамасин, ўз фитрати, руҳияти ва руҳий ҳолатидан келиб чиқиб иш юритади, маънавий ва моддий эҳтиёжини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсатади. *«Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади».* Давлатимиз раҳбари ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини шундай белгилади.

«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» асарида миллий давлатчилигимиз демократия ва адолат тамойилларига таяниши, унда миллий манфаат устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ижтимоий ҳимояга асосланган бозор муносабати, мухтасар айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий негизлари белгилаб берилган. **Мустақиллик даврида миллий сиёсат, иқтисодий салоҳият ва халқ маънавияти бир-бирига уйғун ҳолда ривож топди ва бир-бирини тўлдириб борди, тараққиётимизнинг уч таянчига айланди. Бу эса Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига замин яратди.**

Содда қилиб айтганда, ўзликни англамай, кимларнинг авлоди эканимизни, томиримизда кимларнинг қони оқаётганини билмай туриб, улуғ ишларга журъат қила олмас эдик, албатта. Шу мақсадда кўламли ишлар қилинди. Айни пайтда давлат Бош ислоҳотчи сифатида жамият олдига буюк ғоялар қўйди, янги маслаклар ижодкори сифатида майдонга чиқди. Шунингдек, давлат манфаат нуқтаи-назаридан тарқоқ бўлган муносабатларни ўзаро мувофиқлаштирувчи сифатида ҳам собит фаолият олиб борди. Бу бир томондан, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳалол рақобат муҳити яратса, иккинчи томондан, халқнинг ботиний куч-ғайрати ва яширин салоҳияти рўёбга чиқишига омил бўлди.

Босқичма-босқич давом этган ва бир-бирини тўлдириб борган ислоҳотлар иқтисодиётнинг шакли ва мазмунини, шу билан бирга, халқнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Кишиларнинг қайси соҳада ва қандай йўналишда ишлашини ўзи белгилаши, ўтмиш асоратидан қутулиб, уддабурон тадбиркор, моҳир хўжалик эгаси, ҳунарманд ва касаначи, узоқни кўзлаб иш юритувчига айланиши юрт ободлиги ва турмуш фаровонлигига хизмат қилди. Энди кишилар: *«Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим?!»* — деб яшай бошлади, деҳқончилик, қурувчилик ва ишбилармонлик, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик билан банд бўлиб, ўзлари янги иш ўринлари очиб, қуриб, яратиб, миллий тикланишга ҳисса қўшди.

Айниқса, тадбиркорлик учун кенг йўл очилиши ва қулай шарт-шароит яратилиши иқтисодиётнинг нодавлат тармоғида салмоқли қисм банд бўлишига, ўз навбатида, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, амалий санъат қулоч отиб ривож топишига имкон яратди. Ҳозир бу тармоқда иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан ошиғи меҳнат қилаётгани фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда янги иш ўринларининг 85 фоизга яқини кичик бизнес тизимида очилаётгани, энг муҳими, модернизация қилиш ва давр талабига мослашиш ғоят қулай бу соҳа тез ривож топаётгани чуқур ўйланган сиёсат маҳсулидир.

Ҳали айтганимиздек, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар маънавий-маърифий ҳаётдаги янгиланишлар билан узвий олиб борилди. Бир мисол. «Ўзбекистон овози» газетаси 1991 йил 13 ноябрь сонида Тошкент шаҳрида кейинги йигирма йил давомида ўндан ортиқ қабристон турли важлар билан яксон қилингани, Қатортол кўчасида уч юз йил давомида халқ ардоғида сақланиб келган «Нўғайқўрғон» ва «Қатортол» қабристонлари атай катта кўчанинг қоқ ўртасига олиниб, икки тарафига кўп қаватли уйлар қурилгани, XIV асрдан буён мавжуд бўлган «Шайх Зайниддин бобо» қабристони ўрни 1984 йили Тошкент тўқимачилик комбинати филиали учун ажратилгани ҳақида куюнчаклик билан ёзилади. Бу — аччиқ ҳақиқат ва шундай бўлган. Ҳолбуки, қабристон ҳар бир инсон учун азиз ва мўътабар, ота-боболар, аждодлар мангу қўним топган жой. Шу боис бу қадриятга муносабат тубдан ўзгарди. Буни биз Бўзсув бўйида, Алвастикўприк ёнида, кўпгина қатағон қурбонлари отиб ташланган мудҳиш жарлик ўрнида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳи мисолида яққол кўришимиз мумкин. Яна бир мисол. Биласиз, ўз вақтида Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристони текислаб ташланган. Унинг ўрнида уй-жойлар қурилган. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан мўътабар қабристон ўрни очилди, Имом Мотуридий ҳазратларининг мумтоз зиёратгоҳи бунёд этилди. Абдухолиқ Ғиждувоний қадамжосини обод этиш эса, бутун бир Ғиждувон шаҳри ўзгариб, яшариб кетишига асос бўлди. Шу билан бирга, ҳар бир савобли иш кишиларимиз саховатига қанот бўлди, улар: *«Ободлик кўнгилдан бошланади!»* — деб бундай хайрли ишларга енг шимариб киришди. Бу — халқнинг бошини бириктириб, бунёдкорлик туйғусини рўёбга чиқариб қолмай, ҳиммат ва хайр-саховат илдиз отишига туртки берди.

**Давлатимиз раҳбари ҳиммат ва раҳм-шафқатни, садоқат ва меҳр-оқибатни, поклик ва хайр-саховатни доимо улуғлаб келади. Бу — давлат сиёсатида ҳам устувор аҳамият касб этади. Бунинг бир мисоли сифатида айтиш жоизки, 1991-1998 йиллар давомида давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира хусусийлаштирилди, шунда ҳар учта уй-жойнинг биттаси уруш фахрийлари, ўқитувчилар ёки ижод аҳлига, зиёлиларга текин берилди.**

Ҳар биримиз аҳолининг ёрдамга муҳтож қисми қандай қўллаб-қувватлаб келинаётганини, меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилашга, ишхоналарнинг моддий-техник базасини янгилашга қандай эътибор берилаётганини кўриб-билиб турибмиз. Агар сиз ўша Олий Кенгаш сессиясидаги маърузага кўз югуртирсангиз, ойликлар оширилганига, аммо *«Буни амалга ошириш учун ҳаммаси бўлиб 7 миллиард сўм қўшимча пул топишимиз зарур»,* дея таъкидланганига гувоҳ бўласиз. Мана, бизга собиқ иттифоқдан нима мерос бўлиб қолган эди...

**Энди қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: ислоҳотлар даврида аҳолининг ўртача иш ҳақи 14 маротабага, умумий даромади реал баҳода 9 маротабага ошди. Яна бир мисол. 2007 йили мамлакатимизда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағ барча харажатнинг 55 фоизини ташкил этди. 2010 йил эса бу кўрсаткич қарийб 60 фоизга етди. Бюджетнинг 10 фоизидан кўпроғи бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ҳимоя сифатида йўналтирилди. Бу кўрсаткич Ҳамдўстлик мамлакатларида умумий харажатнинг 2 фоиздан 5 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади, холос. Дунёнинг ривожланган қатор мамлакатларида ҳам ундан ортиқ эмас. Шунингдек, ҳар йили таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунё амалиётида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошган эмас. Кўриб турганимиздек, бозор муносабатларига киришмайдиган қатлам — кексалар, ногиронлар ва болаларни ҳар томонлама ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ислоҳотларнинг устувор тамойилига айланган.**

Экспертлар хулосасига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етган. 2010 йилга келиб, 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражада барқарор даромадга эга бўлган.

Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётини ўзимизга тасаввур этиш учун бир фактга эътибор қаратиш кифоя. Давлатимиз раҳбарининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига ҳали уч йил тўлгани йўқ. Аммо ўтган вақт ичида кенг кўламли ишлардан ташқари, мазкур зонада 16 та замонавий ва истиқболли саноат корхонаси бунёд этилди ва ишга туширилди...

Беқиёс бу ўзгаришлар, аслида, халқимизни ёруғ келажак, Ватан ободлиги йўлида катта бунёдкорликка сафарбар этиш, буюк маънавий янгиланиш маҳсулидир...

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тараққиётига назар солсак, ривожланишнинг «Швед модели», «Англо-саксон модели» ва «Ижтимоий йўналтирилган Олмония бозор иқтисодиёти» киши эътиборини ўзига тортади. Чунки улар ўзига хос ва ўша миллат табиатига уйғун бўлгани учун ўз вақтида халқнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшган, ўсиш-ривожланишга асос бўлган. Давлатимиз раҳбари ишлаб чиққан «Ўзбек модели» ҳам бугун улар қаторидан муносиб жой олди. Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам тараққиёт йўлидан изчил бораётган экан, бу — «Ўзбек модели» ҳаётнинг ўзидан, маънавий илдизлардан озиқ олаётганини кўрсатади.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

# Ҳисобли дўст айрилмас

## табиий газ ва истеъмолчи масъулияти

**Юртимизда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Хусусан, аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин газ тўловлари бўйича муаммолар борлигини инкор этиб бўлмайди.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Чироқчи туманида табиий газ учун истеъмолчиларнинг дебиторлик қарздорлигини хатловдан ўтказиш бўйича иш олиб борилятпи, — дейди «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Чироқчитумангазтаъминот» филиали бошлиғи Шавкат Шокиров. — Хусусан, туманда қарздорликни ўз вақтида аниқлаш, кўпайиб кетишига йўл қўймаслик, ҳисоб-китоб ва сотиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар тўловларни ўз вақтида амалга ошириши, табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўриш тадбирлари олиб борилаяпти.

Туманда 348 км. газ қувурлари тортилган, 9353 та хонадон ва 187 та улгуржи истеъмолчи табиий газдан фойдаланиб келмоқда. Жорий йилнинг 18 сентябрига қадар 7947 та хонадон хатловдан ўтказилган бўлса, улгуржи истеъмолчилар ўртасидаги бу жараён якунига етказилди. Хатлов чоғида аниқланган 83 та қоидабузарлик бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузган истеъмолчиларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 867 та ариза тақдим этилди. Уларнинг қарздорлиги 321 миллион сўмни ташкил этган. Шу боис 573 та хонадон 130 миллион 800 минг сўм тўлади. Қолганлар қарздорлигича қолмоқда.

— Истеъмолчилар орасида газ тўловларини ўз вақтида амалга оширишни пайсалга солаётганлар, афсуски, учраб турибди, — дейди Шавкат Шокиров. — Айниқса, 18 сентябргача бўлган муддатда «Қоракамар», «Зарбдор», «Олмазор» ва «Додик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси аниқланган қарздорликни унутиб қўйишган. Бу ҳудуддаги мутасаддилар масалага лоқайдлик билан қараётгани эса, ачинарли ҳолдир. Ўйлаймизки, тез орада бу камчиликлар бартараф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги турмушимизни «зангори олов»сиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, эҳтиёжимизга яраша фойдаланаётган кундалик табиий газ учун ҳақ тўлаш лозимлигини ёддан чиқармайлик. Зеро, халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас», деган нақл бежиз айтилмаган.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# Шаҳар мэри жарима тўлайди

## ёки ҳайдовчилик гувоҳномасидан айрилади

***Таллин шаҳри мэри Эдгар Сависаар Таллин — Нарва шоҳкўчасида белгиланган қоидани қўпол равишда бузгани учун полиция томонидан тўхтатилди.***



Шаҳар мэрининг айби шуки, дея хабар беради Эстониянинг «Postimees» газетаси, у соатига 90 километрдан ортиқ тезликда автомобиль ҳайдаш тақиқланган кўчада 137 километр тезликда ҳаракатланган.

У айбини тан олиб, жамоатчилик олдида кечирим сўради ва барчани йўл қоидаларига қатъий риоя этишга чақирди.

Шаҳар мэрига жазо бир ой муддат ичида эълон қилинади. Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, тезликни белгиланган кўрсаткичдан оширганлик учун 200 жарима бирлигигача (1 жарима бирлиги 4 евро атрофида) жарима жазоси қўлланилиши ёки қамоқ ёинки 12 ой муддатга ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши мумкин.

# Қурол-яроғ заводларида

## 16 мингдан ортиқ қурол йўқолган

***Американинг «Brady Center to Prevent Gun Violence» ташкилоти эълон қилган маърузада қайд этилишича, 2009 йилдан бери мамлакатдаги қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи заводларда 16 мингдан ортиқ қурол-аслаҳа йўқолган. Жорий йилнинг августида Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси, ўқ отар қуроллар ва портловчи моддалар назорати бўйича бюро (ATF) эълон қилган статистик маълумотлар таҳлилидан сўнг шундай хулоса ясалди.***

Статистик маълумотлар эса мамлакатдаги қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи заводларнинг 20 фоизи текширувидан сўнг тузилди. Бюро текширувида 16487 та қурол-аслаҳа сотилганлиги ҳақида бирор-бир ҳужжат топилмади, шу билан бирга омборларда ҳам улар йўқ эди. Ажабланарлиси, йўқолган бу «винтовка» ва тўппончаларда серия рақамлари бўлмаган. Демак, бу қуроллардан криминал гуруҳлар фойдаланмоқда, деган хулоса чиқариш мумкин, дейилади маърузада.

ATF ҳар йили қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи заводларда тафтиш ўтказади. Аммо бюро мутахассисларининг айтишларича, тўлиқ ва мукаммал тафтиш ўтказиш учун ATFнинг кучи етмайди. Негаки, ATFда ишчи кучи етишмайди, бундан ташқари, молиялаш масаласи муаммо.

# Француз ўқитувчилари

## оммавий иш ташлади

***Франция пойтахти Парижда ва бошқа йирик шаҳарларда ўқитувчиларнинг боғча, лицей ва коллежларда иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди, дея хабар беради Франция оммавий ахборот воситалари.***



Касаба уюшмалар маълумотларига қараганда, оммавий иш ташлашда бошланғич таълим ўқитувчиларининг 53,8 фоизи, умумий ўрта таълим (лицей ва коллежлар) муаллимларининг 50 фоизи қатнашган. Аммо Таълим вазирлиги маълумотларида бу рақамлар 28,9 ва 22,3 фоиз, деб кўрсатилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу сафар норозилик акциясига хусусий мактаблар ўқитувчилари ҳам қўшилдилар.

Ўқитувчилар мамлакатнинг 2012 йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаси қайтадан кўриб чиқилишини талаб қилмоқда. Мазкур бюджет лойиҳасида 14 минг ўқитувчининг иш ўрни қисқариши назарда тутилган.

Бугунги кунда Францияда 850 минг нафар ўқитувчи ва муаллим таълим соҳасида хизмат қилмоқда.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Ҳаётда ҳар бир касбнинг ўз мавқеи, қадри бор. Ўқитувчилик эса ҳамма касблар орасида энг улуғи эканини ҳеч ким инкор этмайди. Ўқитувчилар орасида, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиси алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор. Ҳар биримиз бизга ўқишни, ёзишни ўргатган устозимизни меҳр билан эслаймиз...

## Раъно НАЗИРОВА: «Мен бахтли инсонман!..»



Раъноxон катта оиланинг тўнғичи эди. Мактабни тугатгач, муаллима бўламан, деб туриб олди. Отаси Собиржон Умаров «Ёзёвонга бошқа касб эгалари ҳам жуда зарур, ёнимиздаги касб-ҳунар билим юртида ўқий қолгин», деди, у кўнмади. Ниҳоят, ота-онасининг фотиҳасини олиб, Қўқон педагогика институтига ҳужжат топширди. Талабалик йиллари баҳор фаслидек ўтди-кетди. Олий маълумотли ўқитувчига Ёзёвондаги 7-мактабга йўлланма беришди. Шу-шу, Раънохон Назирова бошланғич синф ўқитувчиси. Ҳаш-паш дегунча орадан ўттиз йил ўтибди.

— Етти марта биринчи синфни қабул қилиб, уларни бешинчи синфгача ўқитганман, — дейди Раънохон. — Ўқувчиларим мактабни тугатиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетганда ҳам орамиз узилган эмас. Кунда, кун ора ўқувчиларимдан бири уйга, бири мактабга йўқлаб келади. Келолмагани эса қўнғироқ қилади. Шундай лаҳзаларда танлаган касбим билан ғурурланиб кетаман. Устоз, дея мурожаат қилганида дилим яйрайди. Мен қанчалар бахтли инсонман!

Биз энди суҳбат бошлаган маҳал қўлида даста-даста гул кўтарган йигитлар келиб қолишди.

— Байрамингиз билан ҳаммадан аввал ўзим табриклайман, дегандим, мактаб дарвозасида синфдошлар билан учрашиб қолдик, — дея шерикларига ишора қилди улардан бири Раънохонга гул тутар экан.

— Ҳасанбой доим биринчи бўлишга интилади, болалигида ҳам шундай эди. Синфнинг биринчи «аъло»чиси мен бўлишим керак, деб астойдил ҳаракат қиларди. Меҳнатлари зое кетмади. Олий маълумотли бўлди, ҳозир банк тизимида масъул, — деди Раънохон Назирова шогирди билан қучоқ очиб кўришар экан, сўнг бошқа бир йигитга мурожаат қилди. — Вой, ўзимнинг фермергина ўғлимдан ўргилай! Анови куни далангга тушгандим. Пахталар бирам қийғос очилибди. Режа бажарилгандир, Иброҳимжон?

— Ҳа, албатта, устоз, — деди ийманибгина Иброҳимжон Мамажонов. — Бу хабарни сизга совға тарзида айтмоқчи эдим...

Суҳбат қизигандан қизиди. Улар гўё она-боладек бир-биридан кўзларини узмасди. Оилалари, ишлари, соғлиқлари, режалари, борингки, оламда бирон мавзу қолмади, устоз суриштириб-сўрамаган.

Шу пайт Раънохоннинг қўл телефони жиринглади.

— Ҳасанбой, сенмисан? — устознинг юзлари янада ёришиб кетди. — Раҳмат, раҳмат! Сенга ҳам эзгу тилаклар йўллайман!

Телефондаги суҳбат якунлангач, менга юзланиб деди:

— Кенжа шогирдларимдан Ҳасанбой Камолов, Тошкентда ўқийди, келгусида дипломат бўлмоқчи.

Яшашнинг маъноси нимада? Бу азалий саволга авомдан алломагача, аскардан давлат арбобигача жавоб излаб, ўзларича талқин қилган. Улар қаторида ёзёвонлик ўқитувчи Раъно Назирова ҳам бор:

— Сендан қоладиган яхши ном, яхши сўз, хайрли ишлар!

**— Устоз дунё гўзаллиги, эзгуликнинг улуғлиги, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик барча бойлик ҳамда фаровонликнинг асоси эканини мурғак қалбимизга муҳрлаб сингдирган. Ўша тарбия таъсирида ўсиб-улғайдик, ҳаётда йўлимизни топдик, — дейди ҳозир ўзи ўқиган мактабда информатика фанидан сабоқ бераётган Асқаржон Жўраев.**

— Илгари мактаб биноси тор, болалар икки-уч сменада ўқирди. Ўқув қуроллари, парталар алмисоқдан қолган, шу ҳам етишмасди. Энди-чи? Мустақиллик туфайли таълим дастурининг замонавий меъёрлари ишлаб чиқилди. Янги бинолар қурилди. Компьютер синфлари ташкил этилди. Энг муҳими, меҳнатнинг самарасини кўрадиган замон келди. Шогирдлар муваффақиятидан бир қувонсам, муҳтарам Президентимиз Фармони билан «Дўстлик» орденига муносиб кўрилганимга икки карра қувонаман. Ишонинг, дунёдаги энг бахтли инсонларнинг бириман!

Раъно Назирова ЎзХДП аъзоси сифатида партия туман кенгаши тадбирларида ҳам фаол қатнашиб келади, айниқса, маънавий-маърифий ишларда ташкилотчилик қилади.

Марказий Фарғона чўллари бағрини тилиб ўтган магистрал йўлдан қайтар эканман, ойнадан қизғиш уфққа термилдим. Демак, эртага кун бугунгидан ҳам чароғон бўлади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Маърифатли миллат муаллимлари

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*



У ўзидаги истеъдод ва куйни ҳис қила олиш қобилияти билан бошқа ўқувчилардан ажралиб турарди. 7-синфда ўқиб юрган кезлари республика миқёсидаги нуфузли танловда 2-ўринни эгаллади.

— Ўшанда мактабимиздаги ўқитувчилар уйимизга келиб, бундан буён бор эътиборимни фақат мусиқа санъатини ўрганишга қаратишим кераклиги, келажакда етук мусиқашунос бўлиш учун менда барча имкониятлар борлигини айтишган, бунга мени ва ота-онамни ишонтиришган эди, — деб ёдга олади Баҳром Қурбонов. — Устозларимнинг келажагимга қайғуришлари ва берган маслаҳатлари кейинги ютуқларимга замин яратди.

Шундан сўнг у Ҳамза номидаги мусиқа коллежи (Ҳозирги Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи таркибида) ва Ўзбекистон давлат консерваториясини муваффақиятли тамомлади. Москва давлат консерваториясининг аспирантурасида таҳсил олди. 1981 йили Ўзбекистон давлат консерваториясида ёшларга мусиқа санъатидан сабоқ бера бошлади. Шу даргоҳда илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва профессор бўлди.

— Қаерга бормай, ҳар доим ўз соҳасининг ҳақиқий дарғалари қўлида таълим-тарбия олганман, — дейди у. — Албатта, улардаги бетакрор педагогик қобилият ва юксак инсоний хислатлардан кўп нарса ўргандим. Нафақат иш фаолиятимда, балки шахсий ҳаётда ҳам улардан ўрнак олишга интиламан. Устозларимдан бир умр миннатдорман.

Ҳозир Баҳром Қурбоновнинг ўзи ҳам Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейида 800 дан ортиқ ўқувчига устозлик қилмоқда. Бугун бу даргоҳ ва унинг истеъдодли ўғил-қизлари эришаётган улкан ютуқларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Биргина, 2006-2010 йилларда лицейнинг 61 нафар ўқувчиси дунёнинг турли давлатларида ўтказилган халқаро мусиқа кўрик-танловларида Гран-при ҳамда биринчи ўринга муносиб кўрилди. Бундан ташқари, Баҳром Қурбонов раҳбарлигида охирги икки йилда 2 та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув қўлланма, 2 та монография ва кўплаб мақолалар чоп этилди. Лицейнинг асосий вазифаси — ёшларга чуқур билим бериб, уларни олий ўқув юртига тайёрлаш. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи ҳам ўсиб бормоқда. Жумладан, охирги 3 йил давомида битирувчиларнинг 88–93 фоизи шундай бахтга муяссар бўлди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг санъатимиз ривожига ғамхўрлиги, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури лицей тарихида янги саҳифа очди. Унга биноан мазкур ўқув муассасаси биноси тубдан қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жорий йилда Глиэр ва Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари ўзаро ҳамкорликда хайрли анъанага қўл урди. Бу даргоҳларда мусиқа сирларини ўзлаштираётган 21 нафар халқаро танловлар ғолиблари мамлакатимиз бўйлаб **«Юртим, сенга жоним фидо!»** шиори остида концерт берди ва бадиий-ижодий учрашувлар ўтказишди. Улар вилоятларда бунёд этилган янги мусиқа мактаблари ва Меҳрибонлик уйларида ўз санъати билан кишиларга қувонч улашди.

— Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам истеъдод ва қобилият борасида ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшлар жуда кўп, — дейди Баҳром Қурбонов. — Энг муҳими, бугун уларнинг ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Лицейимизда 835 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 420 нафари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган. **Бу ерда уларнинг яшаши, овқатланиши, ўқиши ва малакали тиббий ёрдам олиши учун барча қулайлик муҳайё. Яна ҳаммаси текин. Хизмат юзасидан жаҳоннинг кўплаб давлатларида бўлганман. Бироқ ҳеч бирида, ҳатто, энг бой ҳисобланган мамлакатларда ҳам бундай шароит, давлат даражасидаги эътибор ва ғамхўрликни кўрмадим. Аксинча, чет элда мусиқий таълим жуда қиммат туради. У ёқда ҳамма ҳам болаларини мусиқа мактабларида ўқитиш имконига эга эмас.**

Президентимиз Фармонига биноан Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган, истеъдодли ёшларни тарбиялашга бош-қош бўлаётган Баҳром Қурбонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» деган унвонга муносиб кўрилди.

— Камтарона хизматларим бу қадар юксак баҳоланишини кутмаган эдим, — дейди устоз. — Бунинг учун энг аввало ота-онам, Ватанимиз обрўсига обрў қўшаётган лицейимизнинг истеъдодли ўқувчилари, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимизга раҳмат! Бу мукофот ўқув даргоҳимиз, иқтидорли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларимиз меҳнатига берилган баҳо. Айниқса, 89 ёшни қаршилаган отам бу унвон билан тақдирланганимни эшитиб, жуда хурсанд бўлди. Ҳатто, кўз ёши ҳам қилиб олди. «Ўғлим, устозлар қадрланадиган шу кунларга етказганига беадад шукр», деди. Шу боис биз мураббий ва устозларга қаратилаётган эътиборга муносиб жавоб беришимиз, доимо изланишда давом этишимиз, ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслигимиз керак. Зеро, биз шунчаки оддий ўқитувчи эмас, балки маърифатли миллатнинг муаллимларимиз.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Минг болали онахон

Жиззах вилоятида қарийб қирқ йил бошланғич синфларга дарс берган, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Ойсара Азизова ҳақида гап кетганда «Минг болали онахон», дея иззат қилишади.



Тўғри, у етти фарзандни тарбиялаб вояга етказди, эндиликда набиралари бирин-кетин эл қаторига қўшилаяпти. Лекин у ўқитувчилик фаолияти давомида мингдан ортиқ болага ҳарф танитди, ҳар бирини ўз фарзандидай кўриб, меҳр билан таълим-тарбия берди. Уларнинг «Устоз!» деган тотли сўзини, «Меҳрингиздан умрбод миннатдормиз!» деган дил изҳорини эшитганда ўқитувчилик касбини танлаганидан боши осмонга етди, қалби ифтихорга тўлди.

Ойсара Азизова бундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш учун шарафли касбига садоқат билан хизмат қилди. Сирдарё педагогика институтини тугатиб, Ғаллаорол туманидаги 44-умумтаълим мактабида иш бошлагани кечагидай эсида. Устозларидан ўрганди, илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтди. Ўқувчиларининг билимли бўлиши, мустақил фикрлай олиши учун тинмай изланди.

— Мактаб — муътабар даргоҳ, — дейди у. — Ўқувчиларим болаларим қаторидаги фарзандларим. Касбдошларимнинг бири — синглим, бири — укам, ҳар бири туғишганимдай азиз.

Бугун ҳам Ойсара Азизова шу муътабар даргоҳга қадам қўяди. Устозни туғишганидай азиз касбдошлари, фарзандлари қаторидаги ўқувчилари очиқ чеҳра билан кутиб олишади ва байрам билан қутлашади. Биз ҳам уларга қўшиламиз: **«Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар! Бизга кўрсатган меҳрингиздан умрбод миннатдормиз!»**

**Абдулла САИДОВ**

Спорт

# ОФК кубоги: «Насаф» — ярим финалда!

**Осиё футбол конфедерацияси кубоги чорак финал босқичи жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари ўз майдонида Таиланднинг «Чонбури» жамоасини қабул қилди.**





Бундан икки ҳафта аввал Чонбурида кечган дастлабки ўйинда қаршиликлар Иван Бошкович йўллаган ягона гол эвазига муҳим ғалабани қўлга киритган эди. Шу боис, бу сафар Анатолий Демяненко шогирдлари қийинчиликсиз ғалаба қозониши тахмин қилинаётганди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади. Гарчи, жавоб ўйинида таиландликларга нисбатан майдонда бир мунча ҳужумкор тўп суришига қарамай, «Насаф» футболчилари жуда кўплаб голли вазиятлардан фойдалана олишмади. Натижада меҳмонлар кам сонли ҳужумларидан бирини голга айлантиришнинг уддасидан чиқдилар. 54-дақиқада Неу Фабиано киритган тўп «Чонбури» жамоасига ўз майдонидаги мағлубият аламини олиш имконини берди. Ҳар икки ўйин натижасига кўра, бир хил ҳисоб қайд этилганлиги боис, жамоалар 15 дақиқадан иборат иккита қўшимча бўлимда орани очиқ қилишга уриниб кўришди. Бироқ ҳисоб ўзгармади. Натижада ғолиб пенальтилар орқали аниқланди. Унда омад ҳамюртларимизга кулиб боқди — 4:3.

Эътиборли томони, «Насаф» жамоаси Ўзбекистон футбол клублари орасида биринчи бўлиб ОФК кубоги мусобақасининг ярим финалига йўлланмани қўлга киритди. Энди вакилларимиз кейинги босқичда ҳал қилувчи баҳсга бериладиган йўлланма учун «Духок» (Ироқ) — «Ал-Виҳдат» (Иордания) жуфтлиги ғолибига қарши тўп суришади. Бу жамоаларнинг илк учрашувида иорданияликлар 5:1 ҳисобида зафар қучишганди. Кеча ўтказилган жавоб учрашувида «Ал-Виҳдат» футболчилари йирик ҳисобда яна ғалаба қозонди — 0:3.

Эслатиб ўтамиз, «Насаф» жамоаси ярим финалнинг дастлабки ўйинини 4 октябрь куни Қаршида ўтказса, 18 октябрда иорданияда жавоб баҳсида майдонга тушади.

**Эркин ХОЛБОБО**

ОБ-ҲАВО 29-30.09. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 25°C | 27°C |
| Самарқанд | 25°C | 30°C |
| Нукус | 21°C | 26°C |
| Қарши | 25°C | 30°C |
| Урганч | 21°C | 26°C |
| Навоий | 25°C | 30°C |
| Фарғона | 23°C | 28°C |
| Бухоро | 25°C | 30°C |
| Андижон | 23°C | 28°C |
| Наманган | 23°C | 28°C |
| Термиз | 25°C | 30°C |
| Жиззах | 25°C | 30°C |
| Гулистон | 25°C | 30°C |
| Тошкент вил. | 25°C | 30°C |
| Лондон | 23°C | 25°C |
| Париж | 26°C | 27°C |
| Москва | 13°C | 12°C |
| Мадрид | 30°C | 29°C |
| Пекин | 25°C | 21°C |
| Гонгконг | 32°C | 31°C |
| Рим | 28°C | 28°C |
| Анқара | 24°C | 25°C |
| Токио | 27°C | 27°C |
| Стокгольм | 15°C | 16°C |
| Кейптаун | 20°C | 23°C |
| Қоҳира | 26°C | 25°C |
| Гавана | 32°C | 32°C |
| Вашингтон | 26°C | 26°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10439 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 23.45
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5